

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

РУСТАМОВ АКМАЛ СУХРОБОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА АВТОМОБИЛЬ ВА ЮК МАШИНАЛАРИ УЧУН
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ЭРА-ГЛОНАСС СИСТЕМАСИНИНГ
ЎРНАТИЛИШИ ВА УНИ АВТОМОБИЛЬ МЕХАТРОН ТИЗИМИ
БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in technical sciences**

Рустамов Акмал Сухробович Ўзбекистонда автомобиль ва юк машиналари учун фавқулодда вазиятларда ЭРА-ГЛОНАСС системасининг ўрнатилиши ва уни автомобиль мехатрон тизими билан интеграция қилиш усулларини ишлаб чиқиш.....	3
Rustamov Akmal Sukhrovovich Integration of the car emergency response system in case of accidents and emergency situations (ERO-GLONASS) with an electronic control unit for cars and trucks in Uzbekistan.....	21
Рустамов Акмал Сухробович Интеграция системы аварийного реагирования автомобилей при аварийных и чрезвычайных ситуациях (ЭРА-ГЛОНАСС) с электронным блоком управления для легковых и грузовых автомобилей в Узбекистане.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	48

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.4.PhD/Т1476 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tayi.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Шарипов Конгратбай Аvezимбетович,
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мухитдинов Акмал Анварович,
техника фанлари доктори, профессор

Абдураззоқов Умидулла Абдураззоқович,
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100167, Тошкент, Одилхожаев кўчаси 1-уй. Тел./факс: (998-71)-277-54-87, e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru).

Диссертацияси билан Тошкент давлат транспорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент, Одилхожаев кўчаси 1-уй. Тел./факс: (998-71)-277-54-87, e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «_» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А.Рискулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Р.М.Худайкулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, PhD, доцент.

А.А.Мухитдинов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда автомобилсозлик саноати ривожланган автомобиль ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан автомобилларнинг эксплуатацион ва хавфсизлик кўрсаткичларини яхшилаш учун жаҳон талабларига мос замонавий техника ва технологияларни мехатрон тизимларда қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида автомобиль бозорларида замонавий автомобилларда ЭРА-ГЛОНАСС ва Machine Learning тизимларини жорий этилиши бахтсиз ҳодисаларда ҳамда бошқа фавқулудда вазиятларда ёрдам кўрсатиш вақтини кескин қисқариши билан баҳоланиб, йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳат ва ҳалок бўлишлар даражасини кескин пасайишига, юк ва йўловчиларни ташиш жараёнини ҳамда хавфсизлик таъминланишини сифатли амалга оширадиган технологияларни амалиётга жорий этишни тақазо этади. Шу жиҳатдан олиб борилган статистик тадқиқотлар натижасига кўра, автомобиллар иштирокида содир бўлган авария ҳолатларида ёрдам кўрсатиш вақтини 30 % гача қисқартириш учун ҳар йили 4 мингдан ортиқ кишиларнинг хавфсизлигини таъминловчи тизимлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда ривожланган мамлакатлар, жумладан Буюк Британия, Германия, Италия, АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Япония ва дунёнинг бошқа давлатларида автомобилсозлик корхоналарини янги техника ва технологиялар асосида модернизация қилиб, автотранспорт билан инфратузилмани интеграциялашга, вазиятни аниқ вақт режимида баҳолашга ва ахборот берувчи технологиялар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, ЭРА-ГЛОНАСС тизимидан фойдаланиб, автомобилларнинг конструкцияси билан боғлаш ва Machine Learning тизими орқали дастлабки параметрлар асосида координаталарни аниқлаш, масофа ва вақт бирликларида ахборотни ишлаб чиқиш ва уни юборишда энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда унинг технологик жараёни, параметрлари ва иш режимларини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ишлаб чиқарилаётган “UZAUTO MOTORS” АЖ автомобилларнинг сўнгги 3 йил давомида Россиядаги савдоси пасайганига қарамай, 2021 йилда 280 минг дона автомобиль ишлаб чиқариш режалаштирилган ва экспорт ҳажмининг ошиши кутилмоқда. Автомобилларни жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш учун автомобилларга ЭРА-ГЛОНАСС тизимини жорий этиш ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Автомобиллар конструкциясида мехатрон тизимларни қўллаш натижасида унинг эксплуатацион кўрсаткичларини яхшиланганлиги эришилган ютуқлар билан асосланади. Аммо, бу ютуқлар фақат автомобилларнинг конструкцияси билан боғлиқлиги билан чекланиб қолинмоқда. Масалан, статистик маълумотларга кўра, 20-30 % йўл-транспорт ҳодисалари қурбонларининг аксарияти воқеа содир бўлган пайтда ҳалок

бўлади. Яъни, ҳозирги кунда автомобиль двигателларини электрон бошқарув модули орқали интеграция қилишда “Автомобиль мехатроникаси-двигатель-электрон бошқарув тизими” муҳитида тизимнинг ҳар бир қисми ўзаро мосликда ишлай олмаслиги туфайли илмий-амалий муаммо юзага келмоқда. Шунинг учун турли қувватдаги двигателларни мехатрон тизими орқали интеграция қилиш муаммосини самарали архитектурага эга электрон бошқарув тизими билан ҳал этиш бўйича муҳим вазифалар мазкур диссертация ишида белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, двигателнинг электрон бошқарув модулини ЭРА-ГЛОНАСС тизими орқали масофадан диагностика қилиш, экстремал вазиятларда автомобилнинг ҳолати ҳақида маълумотларни йиғиш, йиғилган маълумотларни ишончлилигини текшириш, белгиланган алгоритм асосида маълумотларни юбориш, техник ва технологик жиҳатдан мехатрон тизим билан интеграция қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 16 декабрдаги ПҚ-1020-сон «Хорижий инвестициялар иштирокидаги куч агрегатлари ишлаб чиқарадиган «Дженерал Моторс Пауэртрейн – Ўзбекистан» корхонасини ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон “2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947–сонли “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони¹, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли “2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Автомобилсозликдаги асосий тадқиқот ва инновациялар асосан йирик компанияларнинг тадқиқот ва дизайн марказларида амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Массачусетс Технология Университети (АҚШ), Токио Технология Университети қошидаги муҳандислик маркази (Япония), Улсан Университети тадқиқот маркази (Жанубий Корея), Мюнхен Университети (Германия), Цвикау муҳандислик маркази (Германия), Чикаго Университети қошидаги илмий тадқиқот марказлари (АҚШ) ва бошқа нуфузли олий таълим муассасаларида Machine Learning тармоғи муаммолари бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

¹ 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармон

Двигатель электрон бошқаруви модулини автомобиль мехатрон тизими билан Machine Learning тармоқлар орқали интеграция қилиш усуллари илк бор АҚШлик R. Bartlett томонидан таклиф этилган, ammo бу таклиф фақат Дженерал Моторс компаниясига татбиқ қилиб келинган. Machine Learning тармоқлар ишлатиш йўналишига, ишлаш принципларига қараб сунний, гибрид, аниқ ва ноаниқларга бўлинган. Бундай классификацияни Кохонен ва Ф.Розенблатт таклиф қилиб, аниқ ҳолатлар учун фойдаланиш тавсияларини ишлаб чиққанлар.

Дунёда двигатель электрон бошқаруви модулини автомобиль мехатроника тизимига Machine Learning тармоқлар орқали интеграция қилиш муайян усулларини ишлаб чиқиш бўйича двигателларни янги платформага мослаштириш усулларини ишлаб чиқиш; двигателларни қуйи платформадаги автомобилга интеграция қилиш усулини ишлаб чиқиш; электрон блокларни қўшимча сигналлар билан муайян ишлашини таъминлаш услубини яратиш; Machine Learning тармоғининг сигнал қабул қилиш ва тарқатиш моделини ишлаб чиқиш; қўшимча адапторлар билан ишлаш услубини яратиш сингари устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тажрибасида GNSS, ERO-GLONASS системасини автомобиль мехатрон тизими билан интеграциялаш масалалари бўйича турли услублар ишлаб чиқилган. Автомобиль хавфсизлиги, бошқарув ва ҳимоя тизими маълумотлари таҳлили ва бошқарувчи органларига етказиб бериш услуби (Machine Learning) ва интеграция масалалари бўйича тадқиқотлар Ф. Довис, Ж. Фарлик, М. Краткий, Ж. Сасар, Н. Гогои, А. Минетто, Н.Линтий, Ж. Гросс, Т. Ҳампрейс, Ф. Бастиде, Д.Акос, С. Масбау, Б. Ротуриер ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Ўзбекистонда автомобилнинг мехатрон тизимлари интеграцияси масалалари билан проф. С.М. Қодиров, проф. А.А. Мухитдинов, проф. А.А. Шермухамедов, проф. К.А. Шарипов, Ж.Ш. Иноятходжаев ва бошқа олимлар шуғулланганлар. Бироқ автомобиль хавфсизлиги, бошқарув ва ҳимоя тизими маълумотлари таҳлили ва маълумотларни бошқарувчи органларига етказиб беришнинг ҳимоя услуби (Machine Learning) ва интеграция масалалари муаммолари бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган. Шу билан бирга юртимизда автомобиль мехатрон тизими хавфсизлигининг илмий-амалий муаммолари бўйича назарий тадқиқотлар ўтказишга эҳтиёж мавжуд.

Бундан ташқари, уларда бир неча технологик жараёнларни бирлаштириш орқали интеграция схемалари, бошқариладиган объект модели орқали бошқарув тизими архитектурасини мослаштириш ва уларни унификация қилиш, бошқарув алгоритмларини Machine Learning алоқали тизимлари орқали ўзини-ўзи тизимлаштирувчи ва диагностика қилувчи тизимга илмий ҳамда амалий асос яратиш бу услубларни ягона йўналишга умумлаштириш заруратини юзага келтиради. Шунинг учун, маҳаллий ишлаб чиқарилувчи автомобиль мехатрон тизимига қувватли агрегат интеграциясининг электрон бошқарув тизими назариясини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим ҳисобланади.

Республикамизда автомобиль ишлаб чиқариш жараёнига тайёр дизайнлаштирилган моделни жорий этишда асосан унинг асосий қисмлари, жумладан, двигатели маҳаллийлаштирилади. Бу каби жараёнларда автомобиль экспорти учун экологик чекловлар, ёқилғи сарфи бўйича мамлакатлар талаби ҳамда ҳудудлар бўйича фарқланиш автомобиль опциялари бўйича турли-туманликка харидорлар талаби сингари амалий муаммолар юзага келади. Юқорида кўрсатиб ўтилган жиҳатлар маълум бир автомобиль моделида (платформасида) бир неча хил двигатель турлари билан жиҳозлашни талаб қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, автомобилни турли двигателлар электрон бошқаруви модулини интеграция қилиш долзарб илмий-амалий вазифа ҳисобланади. Аввалги тадқиқотларда ишлаб чиқарувчилар қўллаган стандартларга мос келувчи гибрид Machine Learning тармоқларини илмий асослаб бериш етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси ёки илмий тадқиқот марказининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ва “Ўзавтосаноат” АЖ миқёсидаги лойиҳалар асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда ЭРА-ГЛОНАСС тизими ўрнатилган автомобиль ва юк машиналарини уларнинг мехатрон тизимлари билан интеграция қилиш усулларини ишлаб чиқиш орқали фавқулодда вазиятларда хавфсизликни оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

двигатель электрон бошқарув тизимининг ЭРА-ГЛОНАСС тизимига ўзаро интеграцияси услублари ва замонавий ҳолатини таҳлил қилиш;

ташқи хуружлар бўлганда двигатель электрон бошқаруви модулини ЭРА-ГЛОНАСС тизими орқали масофадан двигатель ҳолатини диагностика қилиш ва хавфсизликни таъминлаш услубларини ишлаб чиқиш;

интеграциялашган тизим кирувчи ва чиқувчи маълумотларини ҳисоблаш имкониятини берувчи тармоқ моделини ишлаб чиқиш ва ташқи хуружлардан ҳимоя қилиш;

интеграция қилинаётган ЭРА-ГЛОНАСС модулини бошқариш услубларини асослаш;

тадқиқот натижаларини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва тегишли иқтисодий самарадорликни баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида ЭРА-ГЛОНАСС мехатрон бошқарув модули билан жиҳозланган автомобиль олинган.

Тадқиқот предмети. Автомобилнинг мехатрон қурилмалар ҳисобига хавфсизлигини ошириш ва хавфсизлик тизимини ўрганиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида классик механика, математик таҳлил ва математик статистика усуллари, назарий механика, тажриба ва поғонали жараёнларни компьютерлаштирилган (имитацион ва симуляция) тизимлари орқали таҳлил қилиш усуллари, автомобиль назарияси,

синтез усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

автомобилларнинг мехатрон тизими билан ЭРА-ГЛОНАСС тизимини ўзаро алоқалар архитектурасига асосланган бошқарув тизимининг интеграция услуги ишлаб чиқилган;

эксплуатацион шароитларда турли транспорт воситалари учун ҳаракат режимларида Байес эҳтимолий назариялар теоремасини қўллаб, кирувчи ва чиқувчи маълумотларни таҳлил қилиш имконини берувчи мехатрон бошқарувли тизим моделлари яратилган;

автомобилнинг хавфсизлик ва бошқарув тизимларини таҳлил килувчи ва бошқарув органларига маълумотни етказиб берувчи математик чизиқли регрессион модел асосида сунъий интеллект услуги яратилган;

автотранспорт воситаларининг хавфсизлик даражасини ошириш учун миқдорий ва режим-вақт мезонларини камайтириш орқали мехатрон тизимида турли вазиятларда маълумотларни интеграцияловчи мақбул қийматларни аниқлаш кетма-кетлиги ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

турли сегментдаги автомобилларнинг мехатрон тизимлари учун ЭРА-ГЛОНАСС тизимини интеграция қилиш технологияси яратилган;

автомобилнинг хавфсизлик ва бошқарув тизимларини таҳлил килувчи ва бошқарув органларига маълумотни етказиб берувчи самарали модел учун муайян мосланувчан ва энерго-ресурстежамкор технологиялар жорий этилган;

автомобилнинг эксплуатацион хусусиятларини мехатрон тизим орқали такомиллаштириш ҳисобига энергия ва ресурс сарфи камайиши аниқланган;

автомобилларнинг электрон бошқарув модули ЭРА-ГЛОНАСС тизими билан интеграцияланган ҳолда мехатрон тизимларнинг ишини масофадан диагностикаловчи платформаси такомиллаштирилган;

мехатрон элементларни такомиллаштириш орқали автомобилларнинг хавфсизлигини ошириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, машиналарнинг параметрлари ва иш режимларини назарий жиҳатдан асослаш назарий механика ва олий математика қоидалари асосида амалга оширилганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика услублари билан ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги, тадқиқот объекти амалиётга, ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти автомобиллар, уларнинг мехатроникаси ва двигателлар Machine Learning тармоқлар орқали интеграция модели, аналитик боғланишлар ва ҳисобий услублар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган усулларни автомобилни синов ва эксплуатация жараёнида турли ноҳуш вазиятлардан келиб чиқиб, автомобилнинг хавфсизлиги таъминланганлиги, ишлаб

чиқаришда энергия ва меҳнат сарфи ҳамда ресурстежамкор технология харажатлари камайганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда ЭРА-ГЛОНАСС тизими ўрнатилган автомобиль ва юк машиналарини уларнинг меҳатрон тизимлари билан интеграция қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

ташқи информацион хуружлар бўлганда двигатель электрон бошқаруви модулининг ҳолатини ЭРА-ГЛОНАСС тизими орқали масофадан диагностика қилиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш услуги “Ўзавтосаноат” АЖ миқёсида жорий қилинган (“Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятининг 2021 йил 8 январдаги 07/05-25-0027-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида автомобиль меҳатрон тизимига ЭРА-ГЛОНАСС алоқалар архитектурасига асосланган бошқарув тизимини интеграция қилинди, автомобиль меҳатрон қурилмалари ишончилиги оширилди ва меҳатрон тизимларни улаш сигнал йўқотилишларини 20 % гача, ЭББ га улаш эса 10 %гача камайтирилди ва ташқи информацион хуружлар бўлганда автомобиль ва юк машиналарини хавфсизлигини баҳолаш имконияти яратилган;

турли автомобиль тоифалари учун йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш ва турли ҳаракат режимларида меҳатроник бошқарув тизимининг энг мақбул алгоритми “Ўзавтосаноат” АЖ миқёсида жорий қилинган (“Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятининг 2021 йил 8 январдаги 07/05-25-0027-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида автомобиль хавфсизлиги ва энергия ресурс тежамкорлигини оширди, экологик талабларга мувофиқлигини таъминлади ҳамда тадқиқотни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш натижасида тўғридан-тўғри автомобиль экспортини ошириш имкони яратилган;

автомобиль хавфсизлик, бошқарув ва ҳимоя тизимининг маълумотлари таҳлили ҳамда бошқарувчи органларга маълумотни етказиб беришнинг самарали услуги (Machine Learning) “Ўзавтосаноат” АЖ миқёсида жорий қилинган (“Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятининг 2021 йил 8 январдаги 07/05-25-0027-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида йўл транспорт ҳодисалари даражасининг пасайиши ҳамда юк ва йўловчи ташиш хавфсизлиги ошишига сабаб бўлади. Автомобиль меҳатрон тизимига ЭРА-ГЛОНАСС алоқалар архитектурасига асосланган бошқарув тизимини интеграция қилиш автомобиль меҳатрон қурилмалари ишончилигини 30 % гача оширади ва ҳар йили 4 мингдан ортиқ кишилар хавфсизлигини таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари “Ўзавтосаноат” АЖ миқёсида; Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети; Politecnico di Torino (Италия); “NavSaS Group” (Италия) лабораториясида муҳокама этилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти натижалари халқаро ва республика миқёсидаги 13 та илмий-амалий, илмий-техник анжуман ва семинарларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ҳамда 1 та ихтирога патент гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ҳамда ишончилиги ёритиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Муаммонинг қўйилиши ва тадқиқот вазифалари**» деб номланган биринчи бобида двигатель электрон бошқаруви модулини автомобилга интеграциялашнинг асосий усуллари ва бу жараёнда қўлланувчи методик ишлар ифодаланган. Сўнгги йилларда Глобал Навигация Сунъий Йўлдош Тизими (GNSS) технологияси доимий равишда ривожланиб бормоқда ва GNSS қабул қилувчиларни турли хил соҳаларда, фуқаролик, ҳарбий, ҳаёт хавфсизлиги ва молия соҳаларини ўз ичига олган турли хил соҳаларда фойдаланишни қўллаб-қувватламоқда.

GNSS билан боғлиқ технологияларнинг хавфсизлигига доимий равишда эътибор қаратилмоқда, бу таҳдидлардан бири Споофинг яни сохта сигналларининг узатилиши ҳисобланади. Бу қабул қилувчиларни сохта сигналлари узатилиши сифатида яъни ёлғон Position Velocity Time (PVT) ҳисоблашга мажбур этувчи, маҳаллий ишлаб чиқарилган радио (RF) сигналларининг узатилиши сифатида тавсифланади. Интерфейсни бошқариш ҳужжатларининг амалдаги версиясига кўра GNSS сигналлари нуқтаи назаридан GNSS сигналлари (масалан, ГПС Л1 С/А, Э1 Галилео ва ГЛОНАСС) қабул қилувчилар бўйича ҳар қандай воситани таъминламайди.

Автомобиль бошқарув ва ҳимоя тизими маълумотларини танлашда асосий хавфсизлик кўрсаткичларини ҳисоблашнинг турли усуллари ва ўзига хосликлар кўрсатилган. Шу каби услублар 1-бобда кенг ёритилган бўлиб, бу двигатель электрон бошқаруви модулини лойиҳалаш асосларига тааллуқлидир.

Аmmo бу каби лойиҳалаш жараёнларидан ташқари двигатель электрон бошқаруви модулини автомобиль меҳатроникасига, унинг бошқариш тизимига интеграциялашнинг илмий ва амалий муаммолари мавжуд.

Илмий муаммоларига қуйидагилар киради:

ишлаб чиқарилиши мўлжалланган ёки ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун двигатель электрон бошқаруви модулини автомобиль меҳатроникасига интеграция қилишнинг ягона услубини ишлаб чиқиш ва уларнинг ишончилигини асослаб бериш;

двигатель электрон бошқаруви модулини бошқарув алгоритмлари ва унинг архитектурасига мослаштириш ҳамда математик бошқарув моделини яратиш.


Диссертациянинг 1-бобида мазкур муаммолар атрофлича ўрганиб чиқилган ва келгуси бобларда уларнинг ечимлари тавсия этилган. Бошқарув кўп тизимли бўлиб, унга ўзаро боғлиқ ташкил этувчилар таъсир қилади ва бу бошқарувни тизим лойиҳаланаётганда шу боғлиқларни инобатга олган ҳолда тизимлаштириш лозим.

Иккинчи боб – “Двигателнинг бошқарув тизими ва автомобилнинг бошқа қисмларидаги бошқарув тизимлари билан интеграцияси”да бошқарув тизимидаги жараёнлар ва бошқарув актуаторларининг сенсорлар билан боғлиқлиги ўрганилган.

1-расмга кўра, бошқарув кўп тизимли бўлиб ўзаро боғлиқ ташкил этувчилар таъсир қилади тизим лойиҳаланаётганда шу боғлиқларни ҳисобга олган ҳолда тизимлаштириш лозим.

Илмий адабиёти таҳлиliga кўра, двигателнинг автомобиль мехатроникаси билан интеграциясининг асосий муаммолари якуний маҳсулотга жами талаблар баён этилган. Бу бир платформада автомобиль моделлар қатори кенгайишига сабаб бўлади ва турли авлод, тоифадаги автомобиль ҳамда двигатель электрон бошқаруви модулини мослашуви илмий муаммосини келтириб чиқаради.

Ўрганиб чиқилган ишларда автомобиль мехатрон тизимлари таснифи, ўзаро боғлиқлиги кенг ёритилган. Лекин уларда ҳар хил тоифадаги двигатель электрон бошқаруви модулини ва автомобиль мехатроникаси интеграцияси ўрганилмаган. Бу, ўз навбатида, мавжуд автомобиль қисмларини такомиллашган агрегатлар билан алмаштириш муаммосини юзага келтиради.




1–расм. Бошқарув тизимини ташкил этувчилари схемаси

Диссертациянинг биринчи бобида бошқарув тизимидаги жараёнлар ва бошқарув актуаторларининг сенсорлар билан боғлиқлиги кўриб чиқилган. 2-расмда автомобильнинг электрон бошқарув тизими акс эттирилган. Электрон бошқарув тизими ишлаш, уланиши ёки узилишини сенсорлардан олинган сигналлар асосида бошқаради. Автоматик трансмиссияда дастур бошқарув қоидалари двигателдан ғилдиракларга қувватни тортув-тезланиш хусусиятлари, ёқилғи тежамкорлигини ҳисобга олинганда оптимал узатмани таъминлайди. Бу дастур устуворлик асосида кўрсаткичларни классификация қилади ёки бу классификация оператор томонидан бошқарув алгоритмига киритилган бўлиши лозим. Чунки баъзи ҳолатларда кирувчи кўрсаткичлар ўзаро зид бўлиши ёки бир нечта кўрсаткичларни таъминлаш имконияти бўлмаслиги мумкин.

Мехатрон тармоқлари дисперсияси орқали сигналларни тоифаларга ажратиш, яъни бирламчи – жараёнга бевосита таъсир қилувчи, ва иккиламчи – жараёнда кўшимча маълумот йиғиш учун қўлланилувчи сигналларга бўлиш, шу билан бирга иккиламчи сигналлар узоқ муддатли коррекция, бирламчилар – қисқа муддатли коррекция қилиниши лозимлиги асосланди. Бу бошқарувда гибридлаш деб тавсифланди.

Бошқарув тизимида ягона авлодлик ва ягона синф бошқарувида шасси, осма бу тизимга интеграллаш мумкинлигини кўрсатди.

Механик дросселдан электрон дросселга ўтиш фақат учинчи авлод бошқарув тизими учун амалга оширилиши асосланди. Бу аввал яратилган автомобиллар учун маълум муаммо туғдириши мумкин.



2–расм. Автомобиль трансмиссиясининг электрон бошқарув тизими.

Диссертациянинг “Автомобиль мехатрон тизимининг бошқарув алгоритмлари ва уни шакллантириш. Қувватли агрегатни бошқариш математик модели” деб номланган иккинчи бобида мехатрон тармоқларнинг имкониятлари таҳлил қилинади. Мехатрон тизимидаги қисмларнинг бошқарув алгоритмлари, бошқарув модели таҳлил қилиниб, модель имитацияси ҳисоби таҳдим этилган ва мехатрон тармоқларни моделлаштириш асосланган. Шунингдек, бобда гибрид ноаниқ мехатрон тармоқлар орқали J200 двигателининг платформасига интеграцияси асосланган.

Бу тизим мехатрон қатламлар асосида яратилган ва универсал кўринишда бўлади. Янги ёки мавжуд автомобиль платформаси мехатроникаси қатлам сифатида тизимга киритилади ва мехатрон архитектураси бу қатламни қисқа вақтда ўзлаштириш имкониятига эга.

Бу архитектурадаги ноаниқлик – аниқ бир чегаралар мавжуд эмаслиги ва бу кенгайишга имконият демакдир. Тизим суб–тизимлар кўрсаткичларини ўрганиб, уни шакллантириши мумкин. Оператор фақат кирувчи ва чиқувчи кўрсаткичларни киритиши керак. 3-расмда қатламларнинг ўзаро алоқаси ҳам тасвирланган:

биринчи қатлам кирувчи маълумотни қабул қилиб, уни саралаб беради;

иккинчи қатлам– электрон бошқарув тизимидаги жараёнлар;

учинчи чиқувчи кўрсаткичларга жавобгар – актуаторлар;

тўртинчи қатлам – пост-процессинг ва ягона тизим иши диагностикаси ҳамда маълумотларни сақлаш, коммуникаторлар орқали етказиб беришга жавобгар.



3–расм. Автомобиль электрон бошқарув тизимини мехатрон тизимга интеграцияси.

Мехатрон алоқаларни бошқарув алгоритми сифатида қўллаш бошқарув тизимини узлуксиз оптималлаштириш ҳамда юқори эксплуатацион кўрсаткичларни сақлаш имконини беради.

Йиғилган маълумот базасининг автокоррекцияси автомобиль двигатели иши ва уни автомобиль мехатроникаси билан ўзаро таъсирини таҳлил қилиш имконини беради.

Муаллиф томонидан таклиф этилаётган услуб ишлаб чиқариш жараёнида бошқарув маълумотларининг электрон бошқарув тизимига киритилиши мумкин. Бу маълумотлар интеграция жараёнини янада тежамкор ва аниқроқ қилади.

Моделлаштириш натижалари таҳлили давомида ўт олдириш нуқтасини сошлаш бирламчи аҳамиятга эгаллиги аниқланди. Бу нуқта тезлик ва қувватли агрегат юкланишига кўра ўзгаради.

Моделни стенд ва йўл синовларига оптимал ҳолатда тайёрлаш ҳамда уни лойиҳалашдаги камчиликларни бартараф этиш учун J200 платформасига интеграция симуляция синовлари ўтказилди.

Муаллиф томонидан интеграция жараёнида сигналларни саралаш услуби таклиф этилган. Бунинг асосида бошқарув тизмини операцион хотирасига сигналларни қўллаш алгоритми ҳамда бирламчи ва иккиламчи сигналларни йиғиш, таҳлил қилиш алгоритмлари киритилади. Иккиламчи сенсорлар ёки бошқа маълумотлар манбаалари орқали олинган маълумот кластери тўлган бўлса, бу кластер форматланади. Бундай маълумотни тақсимлаш оператор ёки тизимлаштириш орқали белгиланиши мумкин.

Автомобиль ҳаракатида унга турли омиллар таъсир қилади. Бу омиллар автомобилнинг динамик хусусиятига ижобий ва салбий таъсир этиши мумкин. Тизим динамикаси ўзгарганда лойиҳаланган кўрсаткичларнинг ишлаш қонунияти чегараси мавжуд. Бу барқарор ҳолатдан беқарор ҳолатга ўтиш чегараларидир. Бунинг учун тизимни математик моделлаштиришда шу омил кўрсаткичини киритиш лозим.


Автомобиль мехатрон алоқаларининг сигнал модели: Кам қувватли қабул қилинган сигнал GNSS қабул қилувчини ҳар қандай шовқинлардан ҳимоясиз қилади. Агар сохта сигналлар аралашуви мавжуд бўлмаса, одатдаги ГПС Л1 сигнали қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$x_{L1,i}(t) = \sum_{i=1}^{N_{si}-1} \sqrt{P_c} D_i(t - \tau_i) C_i(t - \tau_i) \cos(2\pi\Delta f_i t + \Delta\theta_i)$$

Сигналлар сохталаштирилган шароитда GNSS антеннаси томонидан қабул қилинган сигнал тўғридан-тўғри ЛОС сигнали ва сохта сигналларидан иборат бўлади. 4-расмда GNSS қабул қилувчиси томонидан қабул қилинган сигнал қуйидагича моделлаштирилиши мумкин:

$$x_{L1,i}(t) = \underbrace{\sum_{i=1}^{N_{si}-1} \sqrt{P_c} D_i(t - \tau_i) C_i(t - \tau_i) \cos(2\pi\Delta f_i t + \Delta\theta_i)}_{\text{DIRECT SIGNAL (LOS)}} + \underbrace{A \sum_{k=1}^N \alpha_k p(t - \tau_0 - \tau_k) \cos[\omega_0 t + \theta_0 + \Delta\phi_{M,k} + (\Delta\omega_k - \Delta\omega_0)t]}_{\text{FAKE SIGNAL}} \quad (1)$$

бу ерда τ_0 , ω_0 , θ_0 , $\Delta\omega_0$ мос равишда тўғридан-тўғри сигналнинг тарқалиш вақти, бурчак частотаси, ташувчи фаза ва доплер силжиш қийматлари. Тўғри сигналлар ва k^{th} сохта сигналлар орасидаги вақт ўзгариши τ_k га тенг бўлади, чунки 4-расмда кўрсатилганидек геометрик йўлнинг ($d + d \cos(\gamma(t))$) k^{th} га қалбакилаштириш компоненти $\Delta\phi_{M,k}$ га тенгдир. Доплер силжиш фарқи частотаси ($\Delta\omega_k - \Delta\omega_0$) билан ифодаланади.



4-расм. Сохта сигналлар сенарийсининг геометрик схемаси

Қабул қилувчининг псевдоранж ва ташувчи фазали ўлчовларида ўлчовларни бузадиган бир қатор хато манбаалари мавжуд. Псевдоранж ўлчовини (ρ_u^k) хато манбааларини қўшиб моделлаштириш қуйдагича изоҳланади:

$$\rho_u^k = d_u^k + c \cdot dt^k + c \cdot dt_u + \Delta T_u^k + \Delta I_u^k + \Delta m_u^k + \epsilon_u^k \quad (2)$$

бу ерда u ва k фойдаланувчини ёки GNSS қабул қилувчисини ва мос равишда GNSS сунъий йулдошини акс эттиради. ΔT_u^k - метрлардаги тропосфера кечикиши, ΔI_u^k - метрлардаги ионосфера кечикиши, Δm_u^k - сохталаштирилган сигналлар кечикиши ва ϵ_u^k - қабул қилувчига боғлиқ шовқинни амалга ошириш асосий чизиқли GNSS ўлчов муносабатларидан бошланади. Бу қуйидагича ёзилиши мумкин:

$$y = Hx + \epsilon \quad (3)$$

бу ерда y ($n \times 1$) эквивалент псевдоранж ўлчовлари вектори. x нинг энг кичик квадратик баҳоси \hat{x} деб белгиланади ва у қуйидагича ҳисобланади:

$$\begin{bmatrix} \hat{x} \\ - \\ p \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} (H^T H)^{-1} H^T \\ - \\ P \end{bmatrix} y \quad (4)$$

бу ерда $-$ вектор катталиқ ва P трансформацияси матрицаси $(n - 4) \times n$ бўлган катталиқнинг ўзгариши матрицаси сифатида аниқланади. QR факторизацияси билан олинади.

$$H = QR = [Q_1 \quad \vdots \quad Q_2] \begin{bmatrix} R_1 \\ \dots \\ 0 \end{bmatrix} = Q_1 R_1 \quad (5)$$

бу ерда Q - ортогонал матрица ва R - юкори учбурчак матрицаси.

$$P = Q_2^T \quad (6)$$

Кластерлар сони (k) олдиндан аниқланади ва алгоритмнинг бажарилишини маълумотлар тўпламининг таърифларидан бошлаб қуйидагича умумлаштирилади:

$$X = \{x_1, x_2, \dots, x_N\} \quad (7)$$

$$x_i = (a_{i1}, a_{i2}, \dots, a_{i\mu}) \quad (8)$$

бу ерда X - маълумот сигналларининг тўплами, N - кузатувлар сони, x_i - X вектордаги ва μ - ўлчовлар сони.

$$C = \{C_1, C_2, \dots, C_k\} \quad (9)$$

бу ерда C_j ва j^{th} кластерни ифодалайди ва $m_j = (m_{j1}, m_{j2}, \dots, m_{j\mu})$ кластернинг центроидлари деб белгиланиши мумкин.

Обектив функция J ҳар бир маълумот нуқтасидаги масофа квадратлари йиғиндисига унинг тайинланган кластер центроидига ҳисоблаш орқали аниқланади:

$$J = \sum_{j=1}^k \sum_{x \in C_j} d(x, m_j)^2 \quad (10)$$

$$d(x_i, m_j) = \sqrt{\sum_{l=1}^{\mu} (x_i^{(l)} - m_j^{(l)})^2} \quad (11)$$

бу ерда C_j ва j^{th} кластер, m_j - кластернинг сентроиди ва $d(x, m_j)$ - маълумотлар нукталари (x) ва сентроид m_j орасидаги Euclidian масофаси. Бундан кўзланган асосий мақсад - тўғри ажратишни топиш орқали J ни минималлаштириш. Кўзда тутилган ойнанинг давомийлиги давомида псевдоранж қийматларининг ўзгариши қуйидагича ҳисобланади:

$$\Delta\rho_{SV_n, t_{a,a+3}} = (\rho_{SV_n, t_{a+1}} - \rho_{SV_n, t_a}) - (\rho_{SV_n, t_{a+3}} - \rho_{SV_n, t_{a+2}}) \quad (12)$$

бу ерда $\rho_{SV_n, t_a} - t_a$ вақтидаги сунъий йулдош n нинг псевдоранж ўлчови. Малумот ойнасини филтрлашни қўллаган ҳолда, ҳар бир ойнадаги псевдоранжлар қийматларининг ҳисобланган ўзгаришлари векторга бўлинади:


$$x_{\rho, SV_n} = [\Delta\rho_{SV_1, t_{a,a+3}} \quad \Delta\rho_{SV_1, t_{a+1,a+4}} \quad \Delta\rho_{SV_1, t_{a+2,a+5}}] \quad (13)$$

бу ерда $t_{a,a+3}$ ойнанинг бошланиш вақти индексини (a) ва тугаш вақт индексини ($a + 3$) кўрсатади. Учта кетма-кет силжиган ойналар натижаларини йиғгандан сўнг, ўлчовларнинг стандарт оғиши қуйидагича ҳисобланади:


$$\sigma_{\rho, SV_n, t_{a,a+5}} = \sqrt{\frac{1}{3} \sum_{i=1}^3 \left(x_{\rho, SV_n}(i) - \left(\frac{\sum_{i=1}^3 x_{\rho, SV_n}(i)}{3} \right) \right)^2} \quad (14)$$

Барча ҳисобланган қийматлар ($C/N_0, \sigma_{\phi, SV_1, t_{a,a+5}}$) қуйидаги матрица шаклига киритамиз:


$$S = \begin{bmatrix} \sigma_{\phi, SV_1, t_{a,a+5}} & \sigma_{\rho, SV_1, t_{a,a+5}} & \sigma_{C/N_0, SV_1, t_{a,a+5}} \\ \sigma_{\phi, SV_2, t_{a,a+5}} & \sigma_{\rho, SV_2, t_{a,a+5}} & \sigma_{C/N_0, SV_2, t_{a,a+5}} \\ \vdots & \vdots & \vdots \\ \sigma_{\phi, SV_n, t_{a,a+5}} & \sigma_{\rho, SV_n, t_{a,a+5}} & \sigma_{C/N_0, SV_n, t_{a,a+5}} \end{bmatrix} \quad (15)$$



5-Расм. У-блoх™ Нео-М8Н қабул қилувчисига сохталаштириш аралашувининг таъсири.



6-Расм. Сохталаштиришнинг таъсири: а) Ерга ўрнатилган (ECEF) Z координатаси (чапда) ва б) GNSS L1 сунъий йўлдош тизимида (ўнгда).



7-Расм. Шовқин (чапда) ва шовқинсиз (ўнгда) нисбатларига таъсир кўрсатувчи сохталаштириш.

Шу билан бирга, биз К-воситаларининг умумий алгоритмидан фарқли ўлароқ, биз мақсадга мувофиқ функцияларни ҳисоблашда параметрларга оғирлик киритиш орқали ўзгартириш киритамиз:

$$\varpi = [\omega_\phi \quad \omega_\rho \quad \omega_{C/N_0}] \quad (16)$$

$$J = \sum_{j=1}^k \sum_{x \in C_j} \varpi d(x, m_j)^2 \quad (17)$$

Илмий тадқиқотда меҳатрон тармоқларни асосий хусусиятлари мосланувчанлиги ўрганилиб уларни автомобиль бошқарув тизимида қўллаш бўйича тафсилотларни ишимиз давомида кўрсатиб бердик. Самарали бошқарув тизимини яратиш учун, меҳатрон тармоқларни асосий хусусиятлари ҳисобга олиш керак. Автомобиль меҳатрон тизимига ЭРА-ГЛОНАСС алоқалар архитектурасига асосланган бошқарув тизимини интеграция қилиш автомобиль меҳатрон қурилмалари асосланган бошқарув тизими учун математик модел яратиб уни ҳисобланди. Бу ҳисоблар меҳатрон тармоқларни тизимга қўйилган мақсадга кўра танланилиши мумкин.

Тармоқ алгоритмини танлаш услубини яратиш ва унинг тузилишини шакллантириш учун ақлли тизимга бир неча босқич ва услублар таклиф этилди. Улар чиқувчи кўрсаткичларга (сигналлар, маълумотлар) кўра имитацион моделларини таққослашга имкон беради.

Муаллиф томонидан интеграция жараёнида сигналларни саралаш услуби таклиф этилган. Бунинг асосида бошқарув тизимини операцион хотирасига сигналларни қўллаш алгоритми ҳамда бирламчи ва иккиламчи сигналларни йиғиш, таҳлиллаш алгоритмлари киритилади. Иккиламчи сенсорлар ёки бошқа маълумотлар манбалари орқали олинган маълумот клаустери тўлган бўлса, бу кластер форматланади. Бундай маълумотни тақсимлаш оператор ёки тизимлаштириш орқали белгиланиши мумкин.

Автомобил ҳаракатида унга турли омиллар таъсир қилади. Бу омиллар автомобилни динамик хусусиятига ижобий ва салбий таъсир этиши мумкин. Тизим динамикаси ўзгарганда лойиҳаланган кўрсаткичларнинг ишлаш қонунияти чегараси мавжуд. Бу барқарор ҳолатдан беқарор ҳолатга ўтиш чегараларидир. Бунинг учун тизимни математик моделлашда шу омил кўрасткичини киритиш лозим.

ХУЛОСА

“Ўзбекистонда автомобиль ва юк машиналари учун фавқулодда вазиятларда ЭРА-ГЛОНАСС системасининг ўрнатилиши ва уни автомобиль меҳатрон тизими билан интеграция қилиш усуллари ишлаб чиқиш” мавзусидаги фан доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

